

## ФУНКЦИОНАЛ САВОДХОНЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШГА ДОИР ТОПШИРИҚЛАР ТУЗИШ КҮНИКМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кудратова Азиза Исматиллаевна

Самарқанд ВПЯМҮММ катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7434127>

**Аннотация.** Мақолада, бугунги кунда умумтағым мактаб ўқувчиларида функционал саводхонликни шакллантириши мақсадида фан ўқитувчиларининг топшириқлар тузилиш күникмаларини такомиллаштириши модели ишилган ҳамда таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** таълим сифати, функционал саводхонлик, PISA ҳалқаро баҳолаши тадқиқоти, функционал саводхонлик топшириқлари .

## ТЕХНОЛОГИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАВЫКОВ СОЗДАНИЯ ЗАДАНИЙ НА ФОРМИРОВАНИЕ ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ГРАМОТНОСТИ

**Аннотация.** В статье разработана и проанализирована модель повышения квалификации учителей по созданию заданий с целью формирования функциональной грамотности учащихся общеобразовательных школ.

**Ключевые слова:** качество образования, функциональная грамотность, международная программа по оценке образовательных достижений учащихся PISA, задания на функциональную грамотность.

## TECHNOLOGY FOR IMPROVING THE SKILLS OF CREATING TASKS FOR THE FORMATION OF FUNCTIONAL LITERACY

**Abstract.** The article develops and analyzes a model for improving the skills of teachers to create assignments in order to form the functional literacy of students in general education schools.

**Keywords:** quality of education, functional literacy, international program for assessing educational achievements of students PISA, assignments for functional literacy.

Ислоҳотларни амалга оширишда учрайдиган энг жиддий тўсиқлардан бири бу – тизимнинг ўзгаришлар учун етарли даражада потенциалга эга эмаслиги ҳамда ҳажм, мазмун ва муддат нуқтаи назаридан кўпинча зарур бўлган ресурсларга етарлича баҳо бермаслик билан изоҳланадиган ресурслар етишмаслигидир. Кўп ҳолларда асосий тўсиқ маблағ етишмаслиги эмас, балки тизимнинг барча даражаларида зарур бўлган инсон капиталининг йўқлигидир.

Ўқувчиларнинг функционал саводхонлиги даражаси бўйича етакчилик қилаётган Финландия таълими лойиҳалашга асосланган ва фанлараро ёндашувни умумий ўрта таълим учун марказий негизига айлантириди. Ўқувчилар ўзлари реал ҳаётда дуч келадиган муаммоларга ўхшаш муаммолар билан танишадилар ва уларни ҳал қилишга олимлар, тадқиқотчилар, файласуфлар, тадбиркорлар, сиёсатчилар каби бир нечта нуқтаи назардан ёндашадилар. Бу эса ўқитувчидан турли фанлардан етарлича билимга эга бўлиш ёки фан ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилишни, ўқитувчилар фаолиятининг яхлит тизимини талаб этади.

Бугун янги кўникмаларга эга, янги муносабатлар қуриб ва ўз зиммасига янги вазифалар олиб, теран билимларини янги вазият ва тажрибаларда қўллаш, тез ўзгараётган

дунёда ўзгарувчан контекстларда узлуксиз ўқиб ўрганишга қодир бўлган кишилар жуда муҳим. Таълимнинг самарали стратегияларини эгаллашда ва метагонитив, ўз – ўзини аংглаш, ўз – ўзини бошқариш ва ўз – ўзини мослаштириш каби қобилиятларни эгаллашда ўқувчиларга ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу талаблар барча таълим босқичларнинг ўқув дастурлари ва ўқитувчиларнинг амалий фаолиятида аниқ белгиланиши лозим.

1-расм

### **Ўқитувчиларнинг топшириқлар тузиш кўникмаларини такомиллаштириш модели.**

#### **Ўқитувчиларнинг топшириқлар тузиш кўникмаларини такомиллаштириш модели**




Юқоридаги фикрлар асосида ўқувчиларда функционал саводхонлигини шакллантиришда ўқитувчиларнинг топшириклар тузиш кўнижмаларини такомиллаштириш моделини таклиф этамиз:

1) “PISA халқаро тадқиқотлари дастури доирасида ўқувчиларнинг функционал саводхонлигини ривожслантириши” ўқув курсларини ишлаб чиқиши.

Мақсадни аниқ белгилаш ва амалга оширилиши лозим бўлган жараён ҳақида аниқ тассавурга эга бўлиш, тушуниш, таҳлил қилиш, татқиқ қилиш ва амалда бажариш учун PISA халқаро тадқиқотлари дастури мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши, талаблари, амалга ошириш механизми, баҳолаш мезонларига доир тўлиқ билимга эга бўлиш ҳамда шу билимлар асосида фаолиятни ташкил этиш учун мақсадли ўқув курслар дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

## 2-расм

### Мақсадли курсларни ташкил этиш тартиби.



Иштирокчилар алохида йўналишлардаги 4–18 соатли ҳамма курсларда ёки барча йўналишларни қамраб олган 36–72 соатли курсда жалб қилиниши мақсадга мувофиқ. Функционал саводхонлик – бу инсоннинг ҳаёти давомида олган билимларини реал ҳаётий

вазиятларда қўллай олиш кўникмаси (қобилияти). Ҳаётий вазиятлар эса бир нечта фанга боғлиқ бўлганлиги учун, уларни ўзаро интеграциялаш лозим.

Тадқиқот ишимизнинг 2019-2020 йилларида “PISA ҳалқаро тадқиқотлари дастури доирасида ўқувчиларнинг математик саводхонлигини ривожлантириш” номли 18 соатлик, 2021 йилнинг сентябрь ойидан 36 соатлик қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этдик ва натижаларининг таҳлилларини олиб бордик. Фақат бир йўналишида ўқиган ўқитувчилар PISA тадқиқоти моҳиятини ва функционал саводхонлик тушунчасини мазмунини англашда тўсиқларга дуч келдилар. Топшириклар мазмуни бир нечта фан доирасидаги билимларни қамраб олишни талаб этгандан уларни бажариш қийинчилик туғдирди. Ўқиш саводхонлиги, табиий-илмий фанлар саводхонлигига доир топширикларни (15 ёшли ўқувчиларга мулжалланган) бажариш эса муаммо бўлди.

Курс якунида иштирокчиларнинг тренер сифатидаги маҳорат дарси, ишлаб чиққан топширифи тақдимоти ташкил этилади.

Таълим жараёнига татбиқ қилиш учун топшириклар тузা оладиган ижодкор ўқитувчилардан тренерлар гуруҳи шакллантирилади.

## 2) Тренерлар гуруҳини шакллантириши.

Тренерлар фаолияти мақсадли бўлиши учун уларнинг касбий компетентлилигига ва шахсий сифатларига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиши лозим. Биз тренерларни қуидаги талаблар асосида баҳолашни лозим топдик:

### 1-жадвал

#### Тренерларга қўйиладиган талаблар.

Тренер хусусиятлари	Тренер фаолияти
<b>Мақсадлилик</b>	Ўқувчиларда функционал саводхонликни шакллантиришда ўқитувчи ўзининг касбий ривожланиш компетентлилиги даражасини ривожлантириш йўналишини аниқлай олади ҳамда фаолияти натижаларини баҳолай олади.
<b>Қатъиятлилик</b>	Ўқитувчи ривожланиш траекториясини лойиҳалаштиради, малакасини ошириш йўлларини излаб топади ва кўзлаган мақсадига эришади.
<b>Инновацияларга очиқлилиги</b>	Доимий равишда изланади, илғор технологияларни ўрганади, ракамли технологиялардан кенг фойдаланади.
<b>Креативлилик</b>	Фаолиятига ижодий ёндашади, ўқувчиларини ҳам шунга ундиади.
<b>Виждонийлик</b>	Ўқувчиларини, касбини яхши кўради, ўз фаолиятини реал баҳолай олади ва апробация натижаларини таҳлил қила олади.
<b>Касбий компетенцияларини оширишга йўналтирилганлик</b>	Ўқитувчи унвони ва тоифа даражасидан қатъий назар ўзини ривожлантиришга эҳтиёж сезади ҳамда фаолиятига танқидий ёндашади.
<b>Блум таксономияси асосида ишлаш кўникмаси</b>	Ўқувчиларнинг таълимий ютуқларини даражалай олади ҳамда уларни аниқлаш ва баҳолаш мақсадида

<b>Ватанпарварлилік инсонпарварлилік</b>  <b>ва</b>	<p>топшириқ саволларини түғри шакллантиради.</p> <p>Үқитувчи таълим олувчиларда ватанпарварлық ғоясина сингдиради, илм табиат қонунларини бузмаслиги ва инсоният манфааты учун хизмат қилишини кераклигини үргатади.</p>
---	--

Тренерларнинг доимий ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлик күрсатқичларини ошишига хизмат қиласы.

3) *Тестология бүйіча курслар ташкил этиши (масофавий, аңғанавий).*

Шакллантирилган тренерлар гурхы тестолог сертификатига эга бўлган мутахассислар томонидан ташкил этилган тестология бүйіча (масофавий, аңғанавий) курсларда ўқыйдилар.

### 3-расм

#### Тестология курслари мақсади

##### Ўрганилар

- Тест турлари
- Тест топшириқларини тузиш талаблари
- Тест топшириқларининг мураккаблик даражалари

Тестология бүйіча курс ўтишлари уларга мавзулар кесимида илмий асосланган, мақсадли ва түғри шакллантирилган топшириқлар тузиш имконини яратади.

1) *Тузиладиган тест топшириқларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқши.*

Тренерлар томонидан “PISA ҳалқаро тадқиқотлари дастури доирасида ўқувчиларнинг функционал саводхонлигини ривожлантириш” ўқув курслари ҳамда тестология бүйіча курсларда олинган билимлар асосида айнан функционал саводхонликни шакллантиришга доир тузилиши лозим бўлган тест топшириқлари талаблари ишлаб чиқиласы.

Бунда инобатга олиниши лозим бўлган мезонлар:

1) ўқувчилар ёшига мос келиши: топшириқлар синфлар кесимида ёки айнан 15 ёшли ўқувчилар учун ишлаб чиқиласы;

2) миллий ўқув дастури билан ўзвий боғлиқлиги;

3) олдинги тадқиқот натижалари таҳлил этилиши: даврийлик билан ўтказиллаётган тадқиқотларда ўқувчилар муаммога дуч келган саволлар ўрганилади ва нималарга эътибор бериш кераклиги аниқлаштириласы.

4) кейинги даврийлиқда киритилиши кўтилаётган талаблар (йўналишлар): жамият доимий равишда ривожланар экан, ўқувчиларнинг билим, кўникма, компетенциялари ва шахсий сифатларига қўйиладиган талаблар мукамаллашади.

И.Ю.Алексашина, О.А.Абдуллаева ва Ю.П.Киселёвлар томонидан 2000-2018 йилларда ўтказилган PISA тадқиқотлари топшириқлари тузилмаси ўрганилган ва жадвал шаклида ифодаланган [19]. Муалифлар топшириқларни “Топшириқда нима берилган” ҳамда “Нимани аниқлаш лозим” босқичлари асосида бажарилиши (муракаблиги)га кўра 6 тўрга бўлганлар ва таҳлиллар келтирсанлар:

- математик усул билан ечиладиган савол, ғоя ёки муаммонинг қўйилишини аниқлашга кўра;

- натижанинг тўғрилигини тасдиқловчи ёки исботловчи маълумотларни ажратади олишга кўра;

- хулоса (якун) чиқара олиш ёки вазият контекстини инобатга олиб берилган хулосани баҳолашга кўра;

- коммуникатив кўнікмаларини номоён қилиш: асосли ва аниқ хулоса ва исботларни келтиришга кўра;

- математик тушунчалар, далиллар келтириш ва мулоҳаза юритишга кўра;

- фанлар доирасидаги билимларини ўзаро боғлаган холда, қонуниятларни келтириб чиқаришга кўра даражаланган.

Инсон ҳаётида турли даражадаги вазиятларга дуч келиши мумкинлиги каби топшириқлар ҳам талаб этиладиган ақлий фаолият турига кўра тафсифланади.

5) Синфлар, мавзулар кесимида, реал ҳаётий вазиятлар асосида ишлаб чиқилган топшириқлар эксперталар томонидан таҳлил этилиб, тўпламларга умумлаштирилиши лозим.

Эксперт (лот. *expertus* - тажрибали) фан, техника, санъат, ёки ҳунармандчиликнинг маълум бир соҳасида маҳсус билимга эга бўлган ва талаб қилинадиган масалалар бўйича хулоса бериш учун жалб қилинган шахс.

Эксперталар томонидан топшириқлар сараланади, такомиллаштирилади ва тўпламларга умумлаштирилади.

6) Умумлаштирилган тўпламлар *Республика таълим маркази ва Республика Таълим инспекцияси ҳузурида Халқаро тадқиқотларни амалга ошириши миллий маркази мұхокамасидан ўтказилиб, мактабларга етказилиши керак.*

Мактаб жамоаси топшириқлар асосида кичик лабораториялар ташкил этиш, тадқиқотлар ўтказиш, ҳамкорликда мұхокама қилиш, тақдимотлар таёrlаш ва назорат таҳлилларини олиб боришни самарали жараёнини йўлга қўйишлари шарт.

6) *Ўқитувчилар учун ўйналтирувчи услубий қўлланмалар тақдим этилиши керак.*

Топшириқларни бажариш билан боғлиқ ечим ва жавобларни тўпламларга эмас ўқитувчилар учун тақдим этиладиган услубий қўлланмаларга киритишни тавсия қиласиз. Шунда ўқувчи бажарган топшириғи тўғри эканлигини текшириш учун синфдошлари ва устозига мурожаат қиласи.

Ўқувчиларнинг топшириқ бажариш кўнікмаларини баҳолаш ҳамда юзага келган муаммоларни аниқлашга доир кўрсатмалар берилиши керак. “Ўқувчи нимани билади?”, “Ўқувчи нимани бажара олади?”, “Ўқувчи мулоҳаза юрита оладими?”, “Ўқувчи далиллар келтира оладими?”, “Ўқувчи қонуниятларни келтириб чиқара оладими?”, “Ўқувчи математик мулоҳазаларни қўллай оладими?”. Ўқитувчи ўқувчиларининг интелектуал имкониятлари, даражаларини баҳолаш компетенциясига эга бўлса, муаммоларни бартараф қиласи олади.

Услубий қўлланма ўқитувчи учун фақат ёрдамчи восита эмас, балки, ўз ўстида ишлашга ва ўзини ривожлантиришга ҳамда топшириқларни такомиллаштиришга доир таклифларини тақдим этишга ўйналтирувчи адабиёт бўлиши керак.

7) Ўқитувчиларнинг топшириқлар тузиси кўникмаларини таомиллаштириши босқичларининг ҳаммасида ўқитувчи учун инновацион муҳит яратилиши лозим.

Ўқитувчи учун инновацион муҳит деганда, бу унинг айни пайтдаги фаолияти доирасидан юқори погонага кўтарилиши учун яратилган шарт шароитлар тушунилади.

Мактабда инновацияларга кўмаклашишни ишга солиш учун таълим тизими янада самаралироқ алока тармоқларини барпо қилишни ўрганишлари ва улардан фойдаланиб, кўтилаётган узгаришлар қаршисида ишончни таъминлашлари керак. Ўзгаришларни идора қилиш кўникмаларини ривожлантиришга сармоя киритиш муҳим, ўқитувчиларнинг ўзлари ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучга айланиши ва технологияларни шунчаки жорий этиш эмас, балки уларни қўллаш услубларини ишлаб чиқишилари керак.

Ўқитувчилар фаолияти, ишлаш шароити ва мактаблардаги таълим муҳитини баҳолашга қаратилган TALIS (Teaching and Learning International Survey) тадқиқоти натижалари асосида олинган хулосаларидан бири, "...мактаб ўқитувчиларининг тўрттадан утаси иш жойидаги ахвол инновациялар учун нокулай, деб ҳисоблайди".

Агар мамлакатимиз барча таълим муассасаларида (давлат, хусусий) ўқитувчилар учун инновацион муҳит ва тажриба алмашиш майдонлари ташкил этилса, ҳамма ўқувчиларга сифатли таълим бериш имкони ортади.

## REFERENCES

1. Алексашина И.Ю., Абдуллаева О.А., Киселёв Ю.П. Формирование и оценка функциональной грамотности учащихся. Учебно-методическое пособие. – Сант Петербург. 2019. – 160 с
2. Вершловский С.Г., Матюшкина М.Д. Функциональная грамотность выпускников школ // ж. Социологические исследования. – 2007. – № 5. – с. 140–144.
3. Маслова Ю.А. // От качества образования к качеству жизни // ж. Высшее образование в России. 2006. – № 10. – С. 66–69.
4. Маткаримов А.М. PISA ҳалқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш. – педагогика фанлари бўйича фал. док. (PhD) дис. автореф. – Чирчик. 2022. 55 б.
5. Махмудов А.Х. Узлуксиз таълим жараённига компетентлилик ёндашувини жорий қилишнинг дидактик асослари // Узлуксиз таълим. – 2012. – № 4. – Б. 8–12.
6. Мацкевич В., Крупник С. Функциональная грамотность // Всемирная энциклопедия: Философия. – Минск, Харвест, 2001. – 312 с.